

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА МАХБУБА ХОТАМБЕКОВНА

**ТАЪЛИМНИНГ СИНЕРГЕТИК ҚОНУНИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-
МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философских наук (DSc)**

**Content of the abstract dissertation of the
Doctor of philosophical sciences (DSc)**

Эргашева Махбуба Хотамбековна

Таълимнинг синергетик қонуниятлари: назарий-методологик

таҳлил 3

Эргашева Махбуба Хотамбековна

Синергетические закономерности образования: теоретико-методологический
анализ..... 37

Ergasheva Maxbuba Xotambekovna

Synergetic laws of education: theoretical and methodological
analysis 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 76

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА МАХБУБА ХОТАМБЕКОВНА

**ТАЪЛИМНИНГ СИНЕРГЕТИК ҚОНУНИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-
МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fal103 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Тураев Бахтиёр Оманович фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ғаффарова Гулчехра Ғуламжановна фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент Шермухаммедова Нигина Арслановна фалсафа фанлари доктори, профессор Артиков Туланбой Артикович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро Давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№63-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кун тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизацион ва инновацион тараққиёти тобора жадаллашиб боришининг асоси бугунги кунда замонавий таълим тизимининг эвристик имкониятлари билан амалга ошмоқда. Зеро, дунё мамлакатлари тараққиёт индекси барча соҳалар ривожини таълим жараёни билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, замонавий таълим тизими шундай бир жараён сифатида намоён бўлмоқдаки, унда ўзгариш ва турғунлик, ривожланиш ёки орқада қолиш, тараққиёт ёхуд таназзул ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса, ҳозирги замон таълимининг шаклланиш ва ривожланиш динамикасини янги имкониятларини очиб бермоқда. Шу ўринда, замонавий таълим жараёнининг мураккаб ва очиқ система сифатида синергетик қонуниятларини аниқлаш (бугунги кун талабларидан бири сифатида долзарб мавқега кўтарилмоқда.

Жаҳон илм-фанида ўқув эпистемологик, назарий-методологик, аналитик, синтетик таҳлил кўплаб соҳа вакиллари, жумладан, педагоглар, психологлар, социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар томонидан амалга оширилган бўлсада, унинг синергетик қонунлари, таълим жараёнида ўз-ўзини ташкил этиш масалалари, таълим аттракторининг моҳияти, таълимда тартиб ва хаос алмашинувининг конструктив жиҳатлари борасидаги тадқиқотлар етарли эмаслиги маълум бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, бугунги кунда турли умуминсоний муаммолар миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид солиб турган бир вақтда, янги тараққиёт босқичига асос бўла оладиган, одамларни эзгуликка йўналтирадиган миллий таълим тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этиш, таълим муаммоларини ночизикли ёндашув асосида тизимли тадқиқ этиш, ғоявий иммунитетни шакллантиришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу маънода маънавий-ахлоқий таълим-тарбиянинг миллий илдизларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уни замонавий ва миллий таълим тизими ғояси нуқтаи назаридан синергетик таҳлил этиш, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйиш заруратини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда таълим тараққиёти орқали иқтисодий фаровонликка эришиш, миллий таълим тизимини ривожланган хорижий мамлакатлар таълими билан интеграциялаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. “Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги уйғониш даври, яъни, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”¹. Шу мақсад йўлида, ривожланган мамлакатларнинг синовдан ўтган тажрибалари асосида миллий таълим тизимини янгича механизмларини ташкил этиш ва мамлакатимизда замонавий, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи, синергетик таълим муҳитини шакллантириш борасидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бундан келиб чиқиб, истиқболли, замонавий таълим тизимининг

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 225.

синергетик (динамик ривожланиш) қонуниятларини назарий-методологик таҳлил этиш объектив заруриятга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, шунингдек, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” ва 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида” қонунлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Синергетика методологиясининг турли соҳаларда қўлланилиши ва амалий аҳамияти масалалари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Stuttgart (Германия), University of Texas (АҚШ), Brussels School of international Studies (Белгия), Центр Междисциплинарных Исследований им С.П.Курдюмова “Сретенский клуб” (Россия), Institute of Science and Technology Austria (Австрия), Australian National University (Австралия), Graduate School of China Academy of Engineering Physics (Хитой), Эл-Фараби атындағы Қазақ ұлттық университеті (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университети ва Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети (Ўзбекистон) етакчи олимлари ва файласуфлари томонидан синергетик методология доирасида салмоқли тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Дунёда синергетик методология имкониятларидан кенг фойдаланилган ва ночизиқли мураккаб системаларни тадқиқ этиш бўйича жаҳонда амалга

¹ <https://web2.ph.utexas.edu/utphysicshistory/CenterforStatMechAndThermody.html>; <https://www.kent.ac.uk/brussels/>; <http://spkurdyumov.ru/cinergatika-v-shkolnom-obrazovanii/o-shkole/>; <https://www.theunivation.com/>; www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.stanford.edu; www.princeton.edu; www.yale.edu; www.uchicago.edu; www.u-tokyo.ac.jp; www.ugla.edu; www.jhu.edu; www.nus.edu.sg; www.tsinghua.edu.cn; www.msu.ru; www.ru.wikipedia.org; www.nir.ru; www.gmir.ru; www.krfu.ru; www.central-asia.institute; <https://www.mpg.de/4744848/pohl>; Verified email at enr.uconn.edu; b.mukushev@kazatu.kz ва бошқа манбаларга таянган ҳолда тайёрланди.

оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: синергетика методологиясининг ўз-ўзини ташкил этишни ифодаловчи фан сифатидаги янги имкониятлари ҳамда миянинг когнитив фаолиятида синергетик ёндашув масалалари очиб берилган (University of Stuttgart, Германия); ночизиқли, мувозанатсиз, қайтарилмас тизимлар бифуркация кетма-кетлиги асосида таҳлил этилиб, синергетик категорияларни ижтимоий тизимларда ҳам амал қилиши асосланган (University of Texas, АҚШ); ўз-ўзини ташкил этиш назариясининг самарали механизмлари такомиллаштирилган (Brussels School of international Studies, Белгия); синергетика ва илмий прогнозлаш, синергетика ва таълим, фалсафа ва синергетика йўналишлари доирасида таълим соҳасини ўз-ўзини бошқариш муҳити сифатидаги моҳияти асосланган (Центр Междисциплинарных Исследований им С.П.Курдюмова “Сретенский клуб”, Россия); динамик тартибсизлик назарияси асосланган (Institute of Science and Technology Austria, Австрия); синергетик ёндашув асосида диссипатив системалар модели асосланган (Australian National University, Австралия); синергетик мувозанатсизлик назарияси аниқланган (Graduate School of China Academy of Engineering Physics, Хитой); синергетик методологиянинг таълим мазмунини лойиҳалаш ва янгилашдаги имкониятлари аниқланган (Эл-Фараби атындағы Қазақ ұлттық университети, Қозоғистон); синергетик методологиянинг шахсни, ижтимоий тизимни, таълим ва тарбия жараёнини моделлаштиришдаги истиқболли имкониятлари такомиллаштирилган (Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда синергетиканинг методологик, эвристик имкониятларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фалсафий билимлар тизимида, шунингдек, педагогика, психология, этнография, тиббиёт, биология, кимё, статистик физика, ижтимоий-сиёсий йўналишларга синергетик ёндашув бўйича; табиат ва инсоннинг ижтимоий бирлиги, дунёнинг синергетик манзарасини шакллантириш, ижтимоий-гуманитар соҳаларни синергетик таҳлил қилиш асосида ўз-ўзини ташкил этиш учун кураш масалалари; манбашунослик ва маънавий меросни ўрганиш билан боғлиқ соҳаларда; қадимий кўлёмалар, аждодлар меросининг асл моҳияти ва фалсафий жиҳатларини синергетик ёндашув асосида очиб беришга оид; таълим мазмунида ўз-ўзини ташкил этиш ғояларини акс эттириш ҳамда синергетиканинг педагогик жиҳатларини очиб беришга оид; таълим тизимининг синергетик қонуниятлари орқали янги педагогик, инновацион технологияларни яратиш; замонавий таълим парадигмаси ва таълим-тарбия моделини яратишда педагогик синергетикадан фойдаланишга оид; таълим системасида синергетик методология имкониятларидан самарали фойдаланишни тадбиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Синергетик методология XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб тадқиқот-чилар эътиборини тортиб келган. Шу маънода, ушбу тадқиқот иши билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борган олимларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гурух. Ушбу гурухга бевосита синергетика ва таълим билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борган хорижлик олимларни киритиш мумкин. Синергетика методологиясининг имкониятларини ёритишда хорижлик олимлардан Г.Хакен, И.Пригожин¹, И.Стенгерс, Л.Берталанфиларнинг хизматлари диққатга созовордир. Шунингдек, К.М.Метюс, М.С.Уайт ва Р.Г.Лонг² ижтимоий билимлар соҳасида синергетикадан фойдаланиш имкониятлари хусусида, Ж.Л.Жонсон ва Б.К.Буртон³ эса ижтимоий-иктисодий жараёнларга тартибсизлик назариясини қўллашни тавсия этишган. Синергетика доирасидаги хорижий илмий тадқиқотлар кўлами жуда кенг. Биз асосан таълим ва синергетик методология доирасида амалга оширилган тадқиқотларга эътибор қаратдик.

Иккинчи гурух. МДХда таълим жараёнига синергетик ёндашув масаласи М.А.Данилов⁴, Л.Я.Зорина⁵, Е.Г.Пугачева⁶, В.Г.Виненко⁷, В.В.Василькова⁸, В.П.Бранский⁹, З.Ж.Жанабаев, Н.Д.Хмель¹⁰ тадқиқотларида кузатилади. Князева ва Курдюмов таълим жараёнига синергетик ёндашув хусусида мулоҳаза юритиб, таълим ва тарбия тизимини синергетик таҳлил этиш, ўқувчиларга ҳамда талабаларга синергетик билим бериш лозимлигини илгари суради¹¹. В.Г.Буданов таълим ва фанда синергетик методология принципларидан самарали фойдаланишни таклиф этиб, гуманитар соҳада синергетик моделлаштириш муаммолари, унинг босқичлари ва амалий фалсафа билан боғлиқлигига катта эътибор қаратади¹². В.Ф.Горбатюк таълимнинг синергетик тамойиллари хусусида фикр юритиб, интеллектнинг баъзи моделлари ва кўп сонли ақллар назариясини кўриб чиқади¹³. В.И.Лебедев иктисодиёт, социология ва гуманитар фанларда синергетик

¹ Пригожин И., Стенгерс И. Время. Хаос. Квант. К решению парадокса времени. – Москва.: Прогресс, 2003. – С. 240.

² Mathews K.M., White M.C., Long R.G. Why study the complexity sciences in the social sciences // Human relations, 1999, 52 (4). <https://link.springer.com/article/10.1023/A:1016957424329>.

³ Johnson J.L., Burton B.K. Chaos and complexity theory for management: Caveat emptor // Journal of Management Inquiry. 1994. vol 37. - №1. - P.320.

⁴ Данилов М. А. Педагогический процесс как объект педагогической теории. / Сб. науч. тр. Вопросы обучения и воспитания. Сост. и ред. Э.Г.Костяшкин. – Москва.: 1972. –С.362; Данилов Ю. А. Роль и место синергетики в современной науке / Онтология и эпистемология синергетики. — Москва.: РАН Институт философии. 1997. - С. 5-11.

⁵ Зорина Л. Я. Дидактические основы формирования системности знаний старшеклассников. – Москва.: Педагогика, 1980. – С. 128; Зорина Л. Я. Отражение идей самоорганизации в содержании образования // Педагогика. – 1996. – № 4. – С.105–109.

⁶ Пугачева Е.Г. Синергетический подход к системе высшего образования // Высшее образование в России. – 1998. – № 2 – С.41–45.

⁷ Виненко В. Г. Последипломное образование педагога в свете постне-классической науки // Педагогика. – 1999. – № 3. – С. 73–79; Виненко В. Г. Синергетика в школе // Педагогика. -1997. – № 2. – С. 55–60.

⁸ Василькова В.В. Порядок и хаос в развитии социальных системам. Синергетика и теория социальной самоорганизации. – Спб.: Лан, 1999.

⁹ Бранский В.П. Теоретические основания социальной синергетики // Вопросы философии. – 2000. – № 4. – С. 112-129.

¹⁰ Жанабаев З.Ж., Хмель Н.Д. Синергетическая сущность педагогического процесса // Алматы. – 1996. – № 1. – С. 61–64.

¹¹ Князева Е. Н., Курдюмов С. П. Основания синергетики. – Москва.: Алетея, 2002. – С.414.

¹² Буданов В.Г. Методология синергетики в постнеклассической науке и в образовании. – Москва.: URSS, 2008. – С.230.

¹³ Горбатюк В.Ф. Системы естественного интеллекта: синергетика образования: Монография. Таганрогский институт имени А.П.Чехова. – Таганрог; Ростов-на-Дону: Легион-М, 2018. – С.253.

тамойиллардан фойдаланиш имкониятларини тақдим этади. А.Г.Маджуга ўз тадқиқотларида синергетик таълим тамойилларини очиб беради, синергетик маданият, педагогик синергетика тушунчаларини таҳлил этади. В.А.Мукушев таълим тизимида синергетик методология ғоялари қўллаш ғоявий, услубий ва синергетик билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур бўлган ўқув материали сифатида фаннинг мазмунини лойиҳалашда, таълимни модернизация қилишда, интеграция ғояларини амалга оширишда, шахсни ривожлантиришнинг педагогик воситаси ва синергетик фикрлаш услубини шакллантиришда муҳим ўрин тутишини исботлашга ҳаракат қилади.¹

Учинчи гуруҳ. Мамлакатимиз тадқиқотчилари ва олимлари синергетиканинг назарий-методологик муаммолари хусусида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишмоқда. Жумладан, О.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Б.Р.Каримов, Б.О.Тураев², Қ.Н.Назаров, Н.А.Шермухаммедова, Ш.С.Қўшоқов, З.Р.Қодирова, Г.Ғ.Ғаффарова, М.Қ.Ниязымбетов, Д.М.Бозаров³, Г.С.Султановалар бу борада самарали изланишлар олиб боришган. Э.О.Кувандиков⁴ томонидан педагогик синергетика асослари ва истиқболлари, таълим тизимини бошқаришда синергетик ёндашув борасидаги амалга оширилган тадқиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этади. Шунингдек, юртимизда таълим ва фалсафий фанларни умумлаштирган бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, К.Ж.Туленова таълим ва инновацион тафаккур масалаларида, Р.Ж.Ишмухамедов ва М.А.Юлдашевлар таълим ва тарбияда инновацион, педагогик, фалсафий тафаккурни такомиллаштириш борасида, Н.Н.Азизхўжаева ўқитувчи мутахассисларни тайёрлаш масалаларида, Ф.А.Бабашев олий таълим тизимида ахборот сиёсати борасида, Н.Шермухаммедова ва Р.Худойберганов⁵ таълим муаммолари ва таълимнинг фалсафий таҳлили масаласида, Р.Д.Юлдашев⁶ таълим муаммоларини, фалсафий билимларнинг таълим жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини, таълим фалсафасининг онтологик ва эпистемологик моҳиятини ҳамда таълимда инновацион шахсни шакллантириш масалаларини очиб берувчи муҳим тадқиқотларни амалга оширган.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотларда таълимнинг синергетик қонуниятлари очиб берилмаган. Шундан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот ишида таълим тизимида амал қиладиган синергетик қонуниятлар ва уларнинг таълим тараққиётидаги имкониятлари ҳамда синергетик методология категориялари, хусусиятларини таълим жараёнидаги намоён бўлиш масалалари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилади

¹ Мукушев. В.А. Синергетика в системе образования // Образование и наука. - 2008. - № 3 (51). – С.105-122.

² Тураев Б.О. ва бошқ. Синергетика 2: Назария ва амалиёт. – Тошкент.: FANZIYOSI. 2022. – Б. 400.

³ Бозаров Д.М. Синергетик парадигма. –Тошкент.: Тафаккур, 2010. –Б.152.

⁴ Кувандиков Э.О. Педагогик синергетика асослари. – Самарқанд: СамДУ, 2007. – Б. 126.

⁵ Шермухаммедова Н.А., Худойберганов Р. Таълим фалсафаси. – Тошкент.: ТАҚИ, 2018. – Б. 260.

⁶ Юлдашев Р.Д. Таълим фалсафаси таълим жараёнини ривожлантиришнинг назарий-концептуал асоси. – Тошкент.: 2020.– Б. 172.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ СУ-01-сон “Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг фалсафий асослари” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таълим жараёнини назарий-методологик тадқиқ этиш асосида синергетик қонуниятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим жараёнининг синергетик қонуниятларини тизимлаштириш;
замонавий таълим тизимининг мураккаблик, ночизиклик, беқарорлик ва барқарорлик, мувозанатсизлик ва мувозанатлилиқ қонуниятларини таҳлил этиш ва илмий-фалсафий нуқтаи назардан очиб бериш;

таълим тизимидаги очиклик ва ёпиқлик диалектикасининг рефлексив таҳлили орқали миллий таълим тизимини модернизациялашга тизимли ёндашувнинг ўрни ҳамда таълимда ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятини назарий асослаш;

синергетик таълим тизимини шакллантириш жараёнида намоён бўлувчи хаотик, бифуркацион, флукуацион, диссипатив жараёнларни конструктив жиҳатларини кўрсатиб бериш;

замонавий таълим тизимининг ўзини-ўзи ташкиллаштириш жараёнида ночизикли феномен бўлган рефлексив, креатив, конструктив, инновацион тафаккур тарзини шакллантирувчи функционал хусусиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълимнинг синергетик қонуниятлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети таълимнинг синергетик қонуниятларини назарий-методологик жиҳатдан таҳлил этиш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида илмий билишнинг анализ ва синтез, тизимли таҳлил, объективлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, синергетик таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим жараёнида намоён бўлувчи тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги детерминистик муносабат билан синергетик таълим тизимининг мураккаблик, ночизиклик, беқарорлик ва барқарорлик, мувозанатсизлик ва мувозанатлилиқ хусусиятларининг диалектик алоқадорлиги мантиқий далилланган;

таълим тизимида жорий этилаётган янги педагогик технологиялар ва инновацияларни хаотик ҳолатларида аттрактор (замонавий таълим муассасаси, таълим берувчи субъектлар, давлат ва жамиятнинг таълимга оид рационал сиёсати)нинг эвристик имкониятлари аниқланган;

таълим тизимидаги очиклик ва ёпиқлик диалектикасининг рефлексив хусусияти, таълимда интеграция омили (ҳамкорликда ривожланиш технологияси)нинг ўрни ҳамда миллий таълим тизимини модернизациялашга тизимли ёндашувнинг яхлитлик, иерархик тузилиш, қисм ва бутуннинг ўзаро алоқадорлиги сингари имкониятлари исботланган;

Ўзбекистонда синергетик тафаккур тарзи ва ижтимоий прогноз қила олиш қобилиятига эга таълим олувчиларни шакллантириш усуллари синергетик таълим тизимини жорий этишда намоён бўлувчи бифуркацион, флуктуацион, диссипатив жараёнларни конструктив йўналтириш орқали такомиллаштирилган;

замонавий таълимнинг очик ва мураккаб система сифатида ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнидаги нозикли фенотипи ҳисобланган рефлексив, креатив, конструктив, инновацион тафаккур тарзини шакллантирувчи ҳамда таълим тараққиётига хизмат қилувчи функционал хусусияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бугунги замон таълимининг синергетик қонуниятлари мураккаблик, очиклик, нозиклилик, мувозанатсизлик хусусиятлари тизимли ёндашув асосида аниқлаштирилган;

синергетик таълим тизими ва унинг замонавий таълим муаммоларини ҳал этишдаги конструктив моҳияти, таълим жараёни элементларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмлари асосланган;

таълим тизимидаги хаотик жараёнлар ва уларнинг тартибот билан алмашинувида флуктуацион ҳолатлар, бифуркация нуқтаси ҳамда аттрактор унсурининг таъсири аниқланган;

олий таълим тизимида ўқув жараёни самарадорлигини ҳамда таълим сифатини оширишда, ўқув режа, ўқув дастур ва ўқув адабиётларини такомиллаштиришда синергетик методологиянинг аҳамияти борасида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика халқаро илмий конференциялар тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва рисоалардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган назарий ва услубий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан таълим фалсафаси, техника фалсафаси, инсон фалсафаси, фалсафа ва фан методологияси, диалектика ва билиш назарияси каби фанлар доирасида фойдаланиш, шунингдек, илмий тадқиқот методологияси, ҳозирги замон илмий тафаккур тарзи, синергетика, фан фалсафаси, ҳозирги замон фалсафасининг онтологик муаммолари, оламнинг фазо ва вақт манзараси ҳақидаги замонавий концепциялар каби

мутахассислик фанларининг мазмунини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг хулосаларидан синергетик, интеграцион, инновацион таълим тизимининг янгича методологик ғояларини, миллий таълим тизими ғоялари билан уйғунлаштиришда, Ўзбекистонда Олий ва ўрта таълим системаси фаолиятини янада такомиллаштиришда ва ўқув режа, дастурлар ишлаб чиқишда, олий таълим системаси таълим берувчиларининг интеллектуал-касбий маҳоратларини ошириш бўйича илмий-амалий, шунингдек, таълим ва синергетик методология доирасидаги маърузаларда ҳамда мавзуга оид ўқув-методик материалларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим тизимининг синергетик қонуниятларини тадқиқ этиш асосида:

таълим жараёнидаги тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги детерминистик муносабат жараёни синергетик таҳлил этилиб, таълим тизимининг мураккаблик, ночизиқлик, беқарорлик ва барқарорлик, мувозанатсизлик ва мувозанатлилиқ хусусиятларини мантиқий далиллашга оид илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан диссертантнинг “Мафкуравий жараёнларнинг тизимли таҳлили” мавзусидаги ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд давлат университетининг 2022 йил 24 январдаги 10-302-сон маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланманинг илмий аҳамиятини оширишга, замонавий, синергетик ва миллий таълим тизимини шакллантиришга оид таклифлар ишлаб чиқишга, таълим жараёнини инновацион ғоялар билан бойитишга хизмат қилган;

таълим системасида инновацион жараёнлардаги хаотик ҳолатлар ва унда аттрактор омилининг эвристик имкониятлари, бугунги кундаги замонавий таълим муаммоларидаги синергетик қонуниятлар ҳамда уларнинг пллноралистик ва амалий ечимларига оид илмий янгилик ҳамда таклиф ва тавсиялардан PZ-2017-0930223 рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 2022 йил 21 январдаги 01-193-сон маълумотномаси). Натижада амалий-тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга, синергетик таълим тизимининг имкониятларини кўрсатиб беришга, таълим тизимидаги очиклик, ночизиқлик, мувозанатсизлик, тартиб ва тартибсизлик каби синергетик қонуниятларнинг намоён бўлишини очиб беришга хизмат қилган;

таълим тизимидаги очиклик ва ёпиқлик диалектикасининг рефлексив таҳлили, таълимда интеграция омилининг ўрни ҳамда миллий таълим тизимини модернизациялашга тизимли ёндашувнинг афзалликлари

хусусидаги илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан КА-3-007-рақамли “Ўзбекистонда фан ва таълим интеграциялашуви жараёнининг ижтимоий, маънавий-ахлоқий, концептуал муаммолари таҳлили” мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 12 мартдаги 04/11-1428-сон маълумотномаси). Натижада амалий илмий-тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва синергетик методологиянинг олий таълим тизимидаги имкониятлари, ўқув жараёнида синергетик методлар қўлланишининг аҳамияти ҳамда таълим тизимини очик тизим сифатидаги тараққиёт механизмларини ёритиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда синергетик таълим тизимини шакллантириш жараёнида намоён бўлувчи *бифуркацион, флуктуацион, диссипатив* жараёнларни конструктив йўналишга буриш орқали синергетик тафаккур тарзига эга, келажакни прогноз қила оладиган таълим олувчиларни етиштириш йўлларига оид илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан PZ-2017-0930223 рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмининг такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Фарғона давлат университетининг 2022 йил 21 январдаги 01-193-сон маълумотномаси). Натижада амалий-тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва олий таълим талабаларини синергетик таълим тизими орқали ўз-ўзини ташкиллаштириш оладиган, ўз устида тинимсиз меҳнат қиладиган, ўз меҳнатига муносиб баҳо бера оладиган, ўзига нисбатан талабчан замонавий кадрлар сифатида шакллантирилишига хизмат қилган;

замонавий таълим – очик ва мураккаб система сифатида таҳлил этилиб, таълимнинг ўзини-ўзи ташкиллаштириши жараёнида нозикли феномен бўлган *танқидий, креатив, конструктив, инновацион* тафаккур тарзини шакллантирувчи функционал хусусиятларига доир янгилик ва назарий хулосалардан, амалий таклифлардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатуви ва “Таълим ва тараққиёт” радиоэшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРК Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 20 январдаги 01-11/14-сон маълумотномаси). Натижада, эшиттириш ва кўрсатувни сценарийсини мазмунан бойитишга ҳамда кенг жамоатчиликка миллий таълим тизимини модернизациялаш жараёнида тизимли ёндашув, тадрижийлик, изчилликни таъминлаш оқилона кечишини етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 35 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 2 та монография (1 та жамоавий), 1 та ўқув кўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола (жумладан, 12 таси республика ва 6 та хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 217 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Таълим жараёнига синергетик ёндашув масаласининг назарий асослари”** деб аталган биринчи бобида синергетика методологияси ва замонавий таълим тизимининг синергетик тизим эканлиги, замонавий таълимга тизимли ёндашув ҳамда синергетик таълим тизимини шакллантириш масалалари ўрганилади.

Диссертациянинг **“Синергетика методологияси. Замонавий таълим синергетик тизим сифатида”** деб аталган биринчи параграфида синергетика методологиясининг назарий асослари, категориялари ва уларнинг таълим тизимида намоён бўлиши таҳлил этилади.

Синергетика таълимоти XX асрнинг сўнгги чорагида вужудга келди. Синергетиканинг асосий назариялари пайдо бўлиши Илья Пригожин – кимёвий физика соҳасидаги Нобель мукофоти лауреати, бельгиялик олимнинг илмий фаолияти билан боғлиқдир. Мувозанатсиз тизимлар физикасини ўрганар экан, у ўзининг **“Хаосдан келиб чиққан тартиб”** номли китобида синергетика парадигмасида муҳим ўринни эгаллаган диссипатив структуралар ғоясини илгари сурди. Г.Хакен эса **“Синергетика”** атамасини кўллаб янги фан парадигмасини ишлаб чиқди. Синергетика ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси, мураккаб динамик тизимлар тараққиётининг номунтазам даврларда ҳолати кескин ўзгариши мумкин бўлган универсал қонуниятлар тўғрисидаги таълимотдир.

Синергетик методология бугунги кунда кўплаб тадқиқ этадиган объектлари қаторида таълим тизимининг ҳам очиқлик, мураккаблик, мувозанатсизлик, тартибсизлик, ночизиқлик каби томонларини кўрсатиб

бериш имкониятига эга. Синергетикада барқарорлик ва хаос категорияларининг ўзаро муносабати ҳам ўрганилади. Мазкур илмий соҳа тадқиқотчиларининг фикрига кўра ҳар қандай эски тузилма янги тузилма билан алмашинар экан, дастлаб беқарорлик, хаос юз беради, тизимдаги унсурлар барқарорлигига путур етади¹. Айнан таълим тизимидаги жараёнлар ҳам ўтган йиллар (мустақиллик йиллари) худди шу каби эски тузилма янгиси билан алмашган даврдан бошлаб мувозанат ва мувозанатсизлик орасида доимий кураш бораётган кўринишда намоён бўлиб келмоқда. Аслида бу ҳолат мустақилликдан аввал ҳам бир неча бор кузатилган. Жадидлар давридаги эски тизим таълими ва янги тизимдаги таълим жараёнининг алмашинуви ҳам бунга мисол бўла олади. Таълимда тартибсизлик ва тартибот доимо ўрин алмашиб туради ва бу таълимнинг ривожи учун жуда зарур.

Замонавий таълим тизимини синергетик тизим деб, ҳисоблаш мумкин. Аслида азалдан таълим жараёни синергетик тизим бўлиб келган. Фақатгина бугунги кунга келиб, айниқса, инсоният турли глобал муаммолар куршовида қолганда, турли тасодифий жараёнлар тадқиқот объекти ва предмети бўлганда, фан ва таълимнинг жуда кўп имкониятлари, замонавий шакллари ҳамда келажакни олдиндан кўра олиш хусусияти янада кенг намоён бўлганда бу масала ҳозирги замон фанида ўрганилиши лозим бўлган масалалар сифатида қаралмоқда. Таълим доимо тараққий этадиган, ўзгариб борадиган, давр нуқтаи назаридан ёндашиладиган, бир мувозанат ёки барқарорликда қолмайдиган мураккаб тизим бўлганлиги учун ҳам синергетик методологиянинг ўрганиш объекти бўла олади.

“Замонавий таълимнинг тизимлилик хусусиятлари” деб номланган параграфда замонавий таълим тушунчасининг илмий моҳияти ва унга тизимли ёндашув, замонавий синергетик таълим тизимининг фан ва жамият тараққиётидаги ўрни, тизимли таҳлил масаласининг мантиқий ва танқидий тафаккур тарзи билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилган ҳамда “*замонавий таълим*”, “*таълим жараёнига тизимли ёндашув*” тушунчаларининг фалсафий нуқтаи назардан таърифлари ишлаб чиқилган.

Бизнингча, **замонавий таълим** дейилганда ҳар бир янги давр (замон) талабидан келиб чиқадиган, жамиятдаги таълим ислоҳотларини назарий ва амалий механизмларини қамраб олган, тараққиётга хизмат қиладиган, таълим олувчилар ва таълим берувчилар манфаатини уйғунлаштирадиган, инновацион гояларга нисбатан таҳлилий (аналитик) ва танқидий (рефлексив) муносабатни шакллантира оладиган замонавий, интеграцион (ўзаро ҳамкорликдаги), рационал (ақл ва тафаккурга асосланган) таълим жараёнини тушуниш мумкин. Бу ўринда замонавий таълимнинг эвристик жиҳатларини синергетик тафаккур орқали англашимиз мумкин.

¹ Бозаров Д.М. Синергетик парадигма. – Т.: Тафаккур, 2010. – Б.20.

Таълим шундай синергетик тизимки, у ҳам конструктив, ҳам деструктив оқибатларга олиб келиши мумкин. Таълим жараёни орқалигина илмий тафаккур шаклланади, фанда ижод қилиш фундаменти ҳосил бўлади. Фандаги ижод маҳсуллари ҳамма вақт ҳам яхшиликка, бунёдкорликка хизмат қилмаслиги мумкин. Жумладан, инсониятни қирувчи қуроллар ҳам, турли бомбардимон воситалар, ёки лабораторияларда кашф этилган биологик қуроллар (вируслар, бактериялар) ҳам илмий тадқиқотлар натижаси саналади. Бугун таълим жараёни орқали берилаётган билим ва ақлнинг кучи ҳаттоки ёвуз амалиётларда ҳам кўл келмоқда. Бизнингча, мамлакатимизда “2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимининг тегишли таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалавриат босқичида “Маънавийтшунослик”, магистратура босқичида “Касбий маънавийт” фанлари киритилиши”¹, айнан бугунги илмий тадқиқотларнинг натижаси эзгуликка, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини кўзлаб амалга оширилган ҳаракатлардан биридир.

Глобаллашув даврида информасфера (ахборот қобиғи), ноосфера (ақл ва тафаккур қобиғи) нинг кенгайиши туфайли фан ва таълим тараққиёти инсоният жамиятини постиндустриал босқичга ўтишини жадаллаштирди. Яъни фаннинг ишлаб чиқаришга кириб боришига, хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада кенгайишига, янги технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан иқтисодий ресурсларни тежаш ва оқилона фойдаланишга урғу берилди. Бу эса фан ва таълимда ҳам сезиларли ўзгаришлар олиб кирди.

Синергетика методологияси тизимли ёндашув асосида айнан замонавий таълим учун асос бўла оладиган, интеграцион таълимни тарғиб этаётган муҳим таълимотдир. Мураккаб тизимлар назариясига биринчи бўлиб асос солган олим Людвиг фон Берталанфи (1901-1972) ҳисобланади. У мураккаб тизимларнинг умумий хусусиятларини таърифлашга муваффақ бўлди. У содда ва мураккаб тизимлар хусусиятларини алоҳида ўрганиб чиқди. У содда тизимлар ташқи муҳитга нисбатан ёпиқ бўлиши ва аксинча, мураккаб тизимларнинг ташқи муҳитга нисбатан очик эканлигини кўрсатиб бера олди².

Таълим жараёнига тизимли ёндашув бизнингча, бу – муайян бир таълим системасини ва мазкур системага асосланган жараённи яхлит бир бутун тизим сифатида таҳлил этиши, уни ташкил этган элементларни, бўғинларни, қисм ва бутун диалектикасини очиб бериши, уларни ўзаро боғлиқликда ҳамда алоқадорликда мазкур системани ташкил этганлигини аниқлаш, эпистемологик ва методологик хулосага келишидир. Замонавий таълимга тизимли ёндашув бугунги замон талабига мос келадиган таълим тизимини ишлаб чиқиш, ривожланган мамлакатлар таълимини тадбиқ

¹ “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5344692>.

² Bertalanfy L.F. General System Theory. Foundations, Denelopment, Opplications N.Y. 1968.

қилишда таҳлилий ёндашиш ҳамда миллий таълим тизимига уйғунлаштиришда муҳим ҳисобланади.

“Синергетик таълим тизимини шакллантириш – ўқув жараёни сифатини таъминлаш омили” деб номланган параграфда “синергетик таълим” тушунчасининг фалсафий таърифи берилиб, синергетик таълимнинг бугунги кундаги таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги долзарб аҳамияти ёритилган.

Синергетик таълим тизими нима?

Бизнингча, синергетик таълим тизими бу – таълим тизимидаги бир неча бўлақларнинг (қисмларнинг) ҳамкорликдаги фаолияти асосида ривожланадиган, пролифератив[♦] хусусиятига эга бўлган, яъни тизимда янги элементлар вужудга келадиган, ўз-ўзини ташкиллаштира оладиган очиқ, мувозанатсиз, ночизиқли тизимдир.

Б.А.Мукушев таълим тизимида синергетика мавзусида мулоҳаза юритиб шундай таъкидлайди: “замонавий олий ва ўрта таълимнинг омон қолиши ва янада ривожланиши ўқитувчининг психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан касбий малакасининг ўсишига боғлиқ. Синергетика нуқтаи назаридан педагогик тизимдаги фаол тамойил “ўқитувчи – талаба” тамойилидир. Махсус қуйи тизимлар педагогик тизим иерархиясини ташкил қилади. Ушбу қуйи тизимларга юқоридаги барча шартлар - очиқлик, эркин маълумот алмашиш, диалогизм, ўзини намоён қилиш эркинлиги, жамоанинг ўзини-ўзи бошқариш қобилияти ва бошқалар хос бўлиши керак”¹. Бизнингча, педагогик тизимдаги фаол тамойил “ўқитувчи – талаба – муҳит” тамойилидир. Бу тамойил “таълим синергетикаси тизими” ҳисобланади. Муҳитга замонавий таълим модели (Балонья жараёни), ИТ технологиялари билан қуролланганлик, информацион тизим ва б.қ.ларни киритиш мумкин. Демак, муҳитсиз (шу жумладан, информацион майдонсиз) ўқитувчи – талабанинг ўзи синергетик тизим бўла олмайди. Замонавий таълим жараёнида замонавий муҳит ҳамда синергетик таълим тизимини шакллантириш орқали асосий эътибор таълим марказида турган талаба ва ўқитувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилади.

Ўқув жараёнига синергетик таълим тизимини жорий этилиши қуйидаги натижа ва самарадорликка олиб келади:

✓ Таълим берувчи ва таълим олувчининг синергетик тафаккур тарзини шаклланишига, яъни чизиқли фикрлашдан ночизиқли тафаккур тарзига олиб келади.

✓ Ўқув жараёнидаги муаммоларни кўп вариантли ечимларини излаб топишга ундайди.

✓ Атроф муҳитга, оламга нисбатан янгича қарашни шакллантиради.

♦ Пролиферация – бир томирдан тармокланиб кетиш, шахобчаланиш. Пролиферация тушунчасини фалсафада биринчи бўлиб америкалик файласуф Фейерабенд киритган.

¹ Мукушев Б.А. Синергетика в системе образования. Образование и наука. 2008. № 3. - С. 111.

✓ Ҳар бир таълим олувчига нисбатан алоҳида интеллект соҳиби сифатида қарашга олиб келади.

✓ Таълимнинг мазмунини доимий равишда инновациялар билан бойитиб боради.

✓ Ҳар қандай таълим ислоҳотлари амалга оширилишини табиий қабул қилишни шакллантиради.

✓ Таълим олувчини танқидий ва мантиқий фикрлашига, ўз устида ишлашига ва уйғун ривожланишига олиб келади.

✓ Таълим янгиликлари ва инновацион технологияларга эҳтиёжни кучайтиради.

Синергетик таълим тизими қуйидаги масалаларни қамраб олади:

- синергетик фикрлаш;
- синергетик ўрганиш;
- синергетик тушуниш ва тушунтириш;
- синергетик таълим концепсияларини шакллантириш;
- синергетик тафаккур тарзини шакллантириш;
- муаммога синергетик ечим топишга ўргатиш;
- синергетик таълимнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш;
- таълимнинг синергетик қонуниятларидан амалда фойдаланиш.

1. Таълим бу синергетик тизимдир. Таълим очик, мувозанатсиз, ички ва ташқи тебранишларга эга, ночизиқли, хаотик, ўз-ўзини ташкиллаштирадиган, диссипатив система сифатида синергетик методологиянинг ўрганиш объекти бўла олади.

2. Таълимнинг синергетик қонуниятлари таълим тараққиёти учун муҳим ҳисобланган бир хилликдан чиқишга, танқидий, мантиқий, кўп томонлама тафаккур юритишга асосий омил бўла олади.

3. Замонавий таълимга тизимли ёндашув бугунги кунда барча таълим босқичларини интеграцион фаолиятини амалга оширишда муҳим саналади. Таълим жараёнидаги асосий муаммоларни аниқлаб, уларнинг бошланғич нуқтасини топади ва ечимларини таклиф этади.

4. Синергетик таълим тизимини жорий этилиши таълимдаги кўплаб муаммоларни бир неча ечимларини таклиф этишда самарали ҳисобланади. Синергетик таълим тизимини шаклланиши ўқув жараёнини сифатини назорат қилишда ва самарадорлигини оширишда янгича усуллар ёрдамида ёндашувга хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Таълимнинг конструктив ва деструктив хусусиятларида синергетик қонуниятлар”** деб номланиб, унда таълим жараёнида тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги муносабат муаммоси, мураккаблик, ночизиқлик, мувозанатсизлик таълим тизимининг асосий хусусиятлари сифатида намоён бўлиши, таълимда инновацион ғоялар кириб келишидаги хаотик жараёнлар ҳамда таълим тизимида аттрактор унсурининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

“Таълим жараёнида тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги муносабат муаммосининг синергетик моҳияти” деб аталган иккинчи бобнинг биринчи параграфида хаос назарияси ва унинг бунёдкорлик хусусияти, тартиб ва тартибсизликнинг моҳияти ҳамда таълим тараққиётидаги ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб ушбу бобда таълим жараёнининг синергетик қонуниятларини очиқ беришга ҳаракат қилинган.

Аввало, қонун тушунчасининг моҳиятига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. “Қонун (фалсафада) – нарса ва ходисалар ўртасидаги муҳим, зарурий, барқарор, такрорланувчи муносабат. Бу муносабат объектив воқеликка мансуб бўлса, у воқелик қонунлари деб юритилади. Воқелик қонунларининг инсон томонидан ўрганилиб, муайян назарий тилга кўчирилиши фан қонунлари дейилади. Шу жиҳатдан фан қонунлари воқелик қонунларининг тафаккурда инъикос этилишидир”¹. Ушбу таърифдан келиб чиқиб мулоҳаза юритсак, табиат ва жамиятда кўп ҳолларда қонунийликни ифодалайдиган жараён ва ҳодисаларда зарурийлик, барқарорлик ва такрорланувчанлик кузатилади. Жумладан, диалектик методологияда ҳам қонун тушунчаси шу маънода ифодаланади. Синергетика қонунлари эса, зарурийликка нисбатан тасодифий флуктуацияларга, мувозанатликка нисбатан мувозанатсизликка, қайтарилишга эмас, балки қайтарилмасликка асосланади. Қонуният, бу қонуннинг амал қилиш шарти ҳисобланади. Синергетик тизимларда амал қиладиган қонуниятлар динамик (ўзгарувчан) қонуниятлар саналади.

Синергетик ташкиллашиш қонуниятлари:

- Гомеостазис (ностабиллик, мувозанатни сақлашга интилиш, келажагининг ноаниқлиги яъни башорат қила олмаслик, кутилмаган ўзгаришлар);

- Ўз-ўзини ташкиллаштириш;

- Ночизиқлик ва чизиқлилик;

- Очиқлик ва ёпиқлик;

- Беқарорлик ва барқарорлик;

- Тартибсизлик ва тартиб;

- Иерархиклик (бинарлик, холизм) ва ноиерархиклик (бўйсунушнинг бузилиши)

Таълим тизимида синергетик қонуниятларнинг намоён бўлиши

Таълим жараёнида гомеостаз қонунияти:

- Таълимнинг мослашувчанлиги;

- Таълимнинг ўз-ўзини тиклашга интилувчанлиги;

Таълимда ўз-ўзини ташкиллаштириш қонунияти:

- Таълим системасининг ўз-ўзини бошқариши, тартибга солиши, назорат қилиши, баҳо бериши, ривожлантириши;

¹ Тураев Б. Қонун (фалсафада) // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Т.: “ЎзМЭ” ДИН, 2005. - Б.61.

- Таълим берувчилар ва таълим олувчилар фаолиятида ўз-ўзини ташкил этиш;

- Таълимда аттракторларнинг намоён бўлиши.

Таълим жараёнида нозизиқлик қонунияти:

- Таълимнинг нотекис ривожланиши;

- Таълим эҳтиёжининг мунтазам ўзгариб бориши;

- Замонавий таълимга бўлган талабнинг доимий ортиб бориши.

Таълимда очиклик қонунияти:

- Таълим тизимининг ўзини ўзи чегаралаб, ёпиб қўймаслиги, ташқаридан келадиган модда, энергия ва информация алмашиниши асосида ривожланиши;

- Таълим тизимидан чиқадиган ахборотнинг таълим жараёни субъектлари томонидан эркин қабул қилиниши.

Таълим тизимида беқарорлик қонунияти:

- Таълимда мувозанат ва мувозанатсизликнинг ўрин алмашинуви;

- Таълимда флуктацион ҳолатларнинг содир бўлиши;

- Таълимдаги “пролифератив тарқалиш эффекти”.

Таълим тизимида тартибсизлик қонунияти:

- Таълим жараёнида тартиб ва тартибсизликнинг нисбийлиги;

- Таълимдаги тартибсизлик янги тартиботга асос бўлиши;

- Таълимда тартибсизликнинг конструктив ва деструктив хусусияти;

Таълимда иерархиклик қонунияти:

- Таълимнинг тизим сифатида яхлитлиги ва бир бутунлиги;

- Таълим системасининг маълум бир таркибий тузилишга эгаллиги;

- Таълим жараёнида қуйи поғоналарнинг юқори поғоналарга бўйсунувчанлиги ва ўзаро таъсирда ривожланиши.

1-жадвал.



Бу хусусиятлар ўзаро диалектик алоқадорликда бўлади, синергетика диалектика ва метафизика билан ҳамкорликда ўзини намоён қила олади, яъни синергетика метафизика ва диалектикасиз ўз-ўзича ривожлана олмайди. Бу учала умумфалсафий методология биргаликда ишлагандагина самарали

натижага эришилади. Диалектикани метафизикадан ажратиб тушуниш хато бўлганидек, синергетикани диалектикасиз ва метафизикасиз тасаввур этиш ҳам хатодир. Улар бир-бирини тўлдириб туради.

Таълим жараёнида тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги муносабат муаммосини синергетик тушунишнинг амалий методик жиҳати муҳим ҳисобланади. Ю.А.Данилов, Б.Б.Кадомцевлар “Синергетика ночизикли тўлқин йўналиши бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда анъанавий фандан фарқли равишда очик системаларга, тартибсизлик, мувозанатсизлик, ночизикли тафаккурга конструктив мазмун-моҳият олиб кирди”¹, деб ёзадилар. Демак, тартибсизликнинг бунёдкорлик моҳияти синергетик қонуниятлар ёрдамида аниқланади.

Таълим тизимида тартибсизлик ижодий эволюция сабаб тартиботга юз тутуди. Ижод ва синергетикани ўзаро нисбатини таҳлил этган Ш.Қўшоқов фикрича: “Муҳит билан модда, энергия ва структура (ахборот) алмашинувини амалга ошираётган тизимларда “ижодкор” аттракторлар ва фракталлар пайдо бўладик, уларнинг йўналтирилган ва тартиблантирилган таъсирлари натижасида янги ҳолат, тузилма ва тартибот юзага келади”². Бу фикрлардан келиб чиқиб таълим берувчиларни ва таълим ислохотларини амалга оширувчиларни биз синергетик нуқтаи назарга кўра “ижодкор аттрактор” вазифасини бажарувчи субъектлар, дея талқин этамиз.

“Мураккаблик, ночизиклик, мувозанатсизлик таълим тизимининг асосий хусусиятларидир” деб номланувчи параграфда мазкур категорияларнинг таълим жараёнидаги синергетик мазмуни ёритилган.

Б.О.Тураев фикрича, мураккаблик бу ўрганилаётган объектнинг хусусияти. У қанчалик кўзга ташланмас бўлса, у қанчалик кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топган бўлса, унинг иерархик тармоқланиши қанчалик кенг ёйилган бўлса, унинг алоқадорликлари қанчалик кўп бўлса, уни ўрганишга имконият қанчалик чегараланган ва кам бўлса у шу қадар мураккаб объект ҳисобланади³. Таълим - бир-бири билан ўзаро таъсирга эга қисмлардан ташкил топган, маълум бир механизм асосида фаолият олиб борадиган, ўз-ўзини ташкил эта оладиган уюшган мураккабликка эга бўлган системадир. Шунини ҳам таъкидлаб ўтишимиз ўринлики, тизимларнинг мураккаблик хусусияти нисбийдир. Бир система учун мураккаб бўлган хусусият бошқа бир система учун мураккаб бўлмаслиги мумкин ёки аксинча.

Таълимда ночизиклик хусусияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

- таълим системасида хилма-хил усул ва воситаларининг кенгайиб боришида;

- таълим тизимининг кундан-кунга ривожланиб янги талабларнинг ортиб боришида;

¹ Данилов Ю.А. Кадомцев Б.Б. Что такое синергетика // Нелинейные волны. Самоорганизация. - М: Наука, 1983. -С.16.

² Қўшоқов Ш.С. Синергетика, виртуаллик ва ижод // Синергетика: ривожланиши ва истиқболлари. Республика илмий анжумани материаллари. НамДУ. 2010. – Б.80.

³ Тураев Б ва б.қ. Синергетика 2: Назария ва амалиёт. –Т.: FAN ZIYOSI, 2022. – Б.19.

- таълим жараёни субъектларининг тафаккур креативлигини ортиб боришида;

- ўқув режаси, ўқув жараёни, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг турли инновацион ёндашувлар асосида такомиллашиб боришида;

- таълим технологиялари ва методик жараёнларнинг ноанъанавийлик билан бойиб боришида ва ҳ.к.

Синергетик методологиянинг яна бир категорияси мувозанатсизликдир. Мувозанатсизлик ҳақидаги қарашларнинг бугунги замонавий талқинларини дунё олимлари турли соҳаларда таҳлил этишган. Жумладан, Роберт Кисселл тадқиқотларида бозордаги мувозанатсизлик¹, Э.Г.Мендоза, В.Куадрини илмий ишларида молиявий ривожланишдаги глобал мувозанатсизлик², шунингдек, Хитой олимлари тадқиқотларида бугунги даврдаги жинсий мувозанатсизлик³, П.Сернеелс географик мувозанатсизлик⁴ масалаларида ўз таҳлилий ёндашувларини тақдим этади. Бизнингча, эса мувозанатсизлик, тизимнинг ўз энтропияси ва гомеостазисини сақлай олмаслигида юзага келади.

Таълим системасидаги мувозанатсизлик хусусиятини қуйидаги омиллар билан белгилаш мумкин:

- ✓ таълим системасидаги гендер муозанатсизлиги;
- ✓ таълим системаси субъектлари иш ҳақидаги мувозанатсизлик;
- ✓ таълим системаси субъектлари тафаккуридаги мувозанатсизлик;
- ✓ таълим системасида илмий салоҳият компетенциясидаги мувозанатсизлик;
- ✓ моддий ҳолатдаги мувозанатсизлик;
- ✓ меҳнат шароитидаги мувозанатсизлик ва ҳ.к.

Аслида ушбу мувозанатсизликлар таълим системаси субъектларини ўз-ўзини янада ривожлантиришига ундайди ҳамда мураккаблик, ночизиқлик, мувозанатсизлик таълим системасининг ажралмас атрибутив хусусиятлари ҳисобланади. Бу хусусиятлар таълимнинг янги инновацион, интеграцион, кўп укладли ривожини учун асос бўлади.

“Таълимда инновацион ғоялар кириб келишидаги хаотик жараёнлар ҳамда таълим тизимида аттрактор унсурининг намоён бўлиши” деб аталган параграфда инновацион жараёнларнинг илмий назарий таҳлили, синергетик методология билан алоқадорлиги ёритилган.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациядир”⁵. Бугун Ўзбекистон таълим тизимида турли инновацион ғояларнинг кириб келиши,

¹ Robert Kissell. Market Impact Models in The Science of Algorithmic Trading and Portfolio Management, 2014. <https://www.sciencedirect.com/topics/social-sciences/imbalance>.

² Mendoza E.G., Quadrini V. Financial Development and Global Imbalances, in Handbook of Safeguarding Global Financial Stability, 2013.

³ Emil Man-Lun Ng. Heterosexuality in China., in International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences (Second Edition), 2015.

⁴ Serneels P. Internal Geographical Imbalances: The Role of Human Resources Quality and Quantity. In Encyclopedia of Health Economics, 2014.

⁵ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: О’zbekiston, 2021. – Б. 19.

қўлланилиши айнан мамлакатимизни ҳар жиҳатдан ривожланган, тараққий этган мамлакатлар қаторига киритиш мақсадида амалга оширилаётгани сир эмас.

Бугун глобал тараққиёт даврида ҳар қандай соҳада технология, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, фан ва таълим, иқтисод ва ҳ.к. соҳаларда инновацион ғоялар жуда тез суръатларда кириб келаётганини кўриш мумкин. Ҳар бир инновация кириб келиши, қабул қилиниши, амалиётга қўлланишигача бўлган даврни хаотик жараёнлар билан кечиши кузатилади.

Азалдан жамиятда маълум бир инновацион ғоянинг кириб келиши хаотик жараёнлар орқали кечган ва охир оқибатда маълум тартиботга келинган. Маълум бир инновациянинг қабул қилиниши жамиятда ҳамиша кескин мунозаралар, флуктацион ҳолатлар, тебранишлар, хаотик жараёнлар орқали кечади. Эски таълим тизими билан янгича технологияга асосланган таълим тизими алмашинувида бу жараённи кузатиш мумкин. Ҳар бир инновацион ғоянинг кириб келиши, қабул қилиниши, амалиётда жорий этилишида хаотик жараёнлар билан бирга “аттрактор” унсури муҳим аҳамият касб этади.

Аттрактор (инглизча *attract* – *жозибали, ўзига жалб қилувчи*) – динамик системалар фазали фазосидаги компакт тўплам бўлиб, унинг теварагидаги чексизликка интилувчи барча траекториялар унинг жозибасига учрайди. Коинотнинг марказида Ердан 75 мегпарсек, яъни 250 млн. ёруғлик йили узоклигида жойлашган Буюк Аттрактор ҳам мавжуд бўлиб, у атрофидаги ўзидан бир неча юз миллион ёруғлик нури узоклигидаги барча галактикалар ва ўта йирик галактикаларни ҳам, юлдуз тўплари билан қўшиб ўзига тортмоқда. Бу ҳодиса нозик синергетик системаларда ҳам мавжуд бўлиб, беқарор системада флуктуацион ўзгаришлар рўй беришига олиб боради¹. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз қуйидаги жадвалда таълим жараёнида аттракторлар қай тарзда намоён бўлиши таснифини ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

2-жадвал.



¹ Тураев Б ва б.к. Синергетика 2: Назария ва амалиёт. – Т.: FAN ZIYOSI, 2022. – Б. 35.

Таълим тизимида аттрактор унсурининг намоён бўлиши таълим берувчи учун ҳам, таълим олувчи учун ҳам жуда муҳим саналади. Таълим олувчининг бирор бир мотивацион субъект томон (буюк олим, профессор) ёки маълум бир “*аттрактор макони*” (салоҳиятли илм даргоҳи) томон интилиши азалдан кучли таъсир воситаси бўлиб келган. Масалан, юртимиз илм-фани тарихида муҳим ўрин тутган, дунё бўйлаб жуда кўплаб олимларни ўзига жалб эта олган Хоразм Маъмун академиясини ўз даврининг “аттрактор макони” дея, эътироф эта оламиз. Замоनावий таълим талабларига жавоб бериш учун таълим тизими ҳамда таълим берувчилар “аттрактор” функциясини бажара олиши, инновацион фаолиятнинг ҳақиқий субъекти бўла олиши лозим.

1. Таълим системасидаги тартиб ва тартибсизлик, мувозанат ва мувозанатсизлик, чизиклилик ва ночизиклик, ривожланиш ва таназзул муаммосини синергетик жиҳатдан таҳлил этиш, синергетика методологиясини таълимни тадқиқ ва таҳлил этишдаги янги имкониятларини очиб беради. Таълим жараёнидаги тартибсизлик кўп ҳолларда унинг таназзулига эмас, балки тартиботига хизмат қилади.

2. Таълим жараёнида инновацион ғояларнинг кириб келишида хаос назарияси конструктив моҳиятга эга бўлиб, дарслар ва ўқув дастурлари мослашувчан бўлишига, маълум бир ўзгаришлар орқали қизиқишнинг янада ортишига ва келажакка янги воситаларни шаклланишига асос бўлади.

3. Хаотик жараён таълимдаги инновацияни янада самарали ва ҳаяжонли усуллар билан кириб келишига, тасаввурни таълим санъати билан ривожлантиришга, таълим модернизациясини рефлексив ёндашув асосида кўриб чиқишга ундайди. Таълимдаги инновацион фаолиятнинг хаотик жараёнлар орқали кечиши соҳага оид мантикий хулосаларга, муаммолар ечимига, мувоффақиятли таълим технологияларини яратилишига олиб келади.

4. Таълим жараёнида синергетик методологиянинг “аттрактор” объекти ва макони педагогик фаолият вакиллари, субъектларини ҳамда воситаларини доимо такомиллаштиришга, янгиланишга, ўзгариш ва инновацияларга ҳамisha тайёр туришга йўналтиради. Таълим жараёнида ҳар қандай инновация, янгилик, ислоҳотнинг шаклланиши, хаотик жараён орқали маълум мувозанатсизликлар, флуктацион ўзгаришлар асосида тартиботга олиб келувчи бир қанча муқобил йўллардан бирини танлаш тасодифий ўзгаришлар орқали амалга ошади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Таълим системасида ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни ва унинг моҳияти**” деб номланиб, унда замоनावий таълим - ўз-ўзини ташкил этувчи тизим эканлиги, олам ва ўзликни билиш жараёнида таълим тизимининг ҳаракатга келтирувчанлик хусусияти, ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида таълим тизимининг аҳамияти ёритилган.

“Замонавий таълим – ўз-ўзини ташкил этувчи тизим сифатида” деб номланган параграфда ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси ва таълим жараёнининг ташкиллаштирувчанлик хусусиятлари таҳлил этилган.

Замонавий таълим нафақат ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим, балки ўз таркибига кирувчи ҳар бир элементнинг ҳам ўз-ўзини ташкиллаштиришига муҳим таъсир кўрсата оладиган тизимдир.

“Ташкиллашиш” деганда муайян бир бутун қисмларининг жойлашиш тартиби ва жараёни тушунилади. Ташкиллашиш оддий ва мураккаб кўринишга эга бўлган хосса бўлиб, тизимларнинг структураси ва функциялари бирлигини таъминлайди. Ташкилланиш хоссасининг манбаи ёки ҳаракатлантирувчи кучи тизимнинг ўзида бўлса, бу хосса структура ва функция ҳолатини параметрларини ўзгартириш ҳисобидан муҳитга мослашиш хислатини юзага келтирса, ундай тизим ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимга айланади. Таълим тизимининг ташкилланиш хоссаси унинг ўзида. Бу таълим таркибига кирувчи ҳар бир элементнинг ўрни муҳимлиги билан белгиланади. Таълим тизимида ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида худди синергетик методологияда эътироф этилганидек, тизимнинг яхлитлигида унинг кичик бир элементининг функцияси ҳам инобатга олинади. Таълимда тизимнинг ҳаттоки, кичик бир бўлаги ҳам эътибордан четда қолса, бутун бир тизим фаолиятига таъсир этади. Бу эса ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ш.С.Қўшоқов ўз-ўзини ташкиллаш концепциясининг гносеологик томирини ўз-ўзича ҳаракат ғоясига бориб тақалишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ўз-ўзича ҳаракат - бу, ҳаракат манбаи, сабаби, ҳаракатланувчан нарсанинг ўзида бўладиган ҳаракатдир. Организм, одам, жамият, коинот ва шу каби тизимлар ўз-ўзича ҳаракат қиладиган “нарсалар” дир. Азалдан бу муаммо муҳокама қилинган, яъни коинотнинг ҳаракати манбаи ўзидами ёки унинг ташқарисидами?¹

Бизнингча, таълим тизимининг ҳаракатлантирувчи кучи ва манбаи унинг ўзидадир. Қанча таълим ислоҳотлари амалга оширилсада, қанчалик таълимга оид режалар, дастур ва лойиҳалар қўлланилсада, таълимнинг тараққиёти ўз-ўзидан ривожланиш қонунияти билан белгиланади. Таълим тизимининг қуйи босқичдан то юқори босқичга қадар юксалиши, аввало, унинг ўзини-ўзи ташкиллаштириш йўлини танлаб олишига боғлиқдир. Қолган барча ислоҳотлар фақатгина ички ва ташқи таъсирлар сифатида қаралиши мумкин. Шунини таъкидлашимиз ўринлики, таълим тизимининг ўзини-ўзи ташкиллаштиришида турли сабаб ва таъсир этувчи омиллар муҳим аҳамиятга эгадир. Синергетик таълим тизими муҳити сифатида, истиқболни кўзлаган, оқилона, тизимли, босқичма-босқич, ўйланган таълим ислоҳотлари ва таълим тараққиёти учун қабул қилинган мамлакатдаги турли дастур ва

¹ Қўшоқов Ш. Табиатшунослик фалсафаси. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – Б.180.

лойиҳалар таълимнинг ўзини-ўзи ташкиллаштириши учун таъсир этувчи сабаб ва воситалар бўла олади. Таълим тизими ташқи муҳитдан модда ва энергияни, ахборотни қабул қилиш мобайнида ўз-ўзини ташкиллаштиради ҳамда ана шу қабул қилган ахборотларни ёки ташқи муҳит таъсирини яна ахборотга айлантиради. Таълим жараёнини ривожлантирувчи ҳаракат манбаи унинг (тизимнинг) ўзида бўлиб, мазкур тизимда турли ўзгаришлар амалга оширилиши, янгилик ва ислохотларнинг кириб келиши, қўлланилиши ички ва ташқи таъсирлар сифатида эски тизимни ўзгартириш ҳисобидан янги тизимни ўз-ўзидан ташкилланишига сабаб бўлади. Демак, ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳам тизим ичидаги қандайдир қонуниятлар ва сабаблар натижасида амалга ошади. Яъни таълим тизимининг ўз-ўзини ташкиллаштиришида унинг ичидаги элементларнинг фаолияти муҳим ўрин тутди. Бунга таълим берувчилар салоҳияти, таълим олувчилар дунёқараши, илмий муҳит, маълум ижтимоий шароит, моддий ресурс ва бошқа элементларни киритиш мумкин.

Демак, таълим жараёни ҳам маълум бир давр шароитидан, яъни тизимнинг ўзгариши таъсирида тараққий этиб борадиган, ўз-ўзидан ташкиллашадиган ҳамда тартиблашадиган жараён саналади.

Замонавий таълимнинг ўз-ўзини ташкиллаштиришдаги энг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- ✓ замонавий илмий дунёқарашни шакллантиради;
- ✓ ҳар қандай масалада танқидий ва мантиқий ёндашувни талаб этади;
- ✓ дунёдаги шиддатли ўзгаришларни, жараёнларни яхлитлик ва умумий бирликда ўзлаштириш қобилиятини ривожлантиради;
- ✓ замонавий фанларни тушунтириш ва тушунишда янгича илмий тафаккур тарзини шакллантиради;
- ✓ оламнинг турли манзараларини таҳлил этишга, экологик, сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммоларни янги ечимларини топишга имконият яратади.

Бу борада А.А.Мукушевнинг қарашлари ҳам диққатга сазовор. Унинг фикрича, синергетика билан биргаликда тартибсизлик ва тартиб алмашинувида асосланган ўз-ўзини ташкил этиш жараёни дунё тартибининг умумбашарий принципи эканлигини англаб етиш мумкин¹. Демак Мукушев ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятини бутун дунёдаги барча жараёнларга хос бўлган, ривожланишнинг манбаи сифатида эътироф этиб “дунё тартибининг умумбашарий принципи”, дея таъкидламоқда. Бу таъриф таълим жараёнига ҳам бевосита тааллуқлидир. Бугунги замонавий таълим синергетик очик система сифатида фаол информациялар, модда ва энергиялар ҳисобидан ҳамда кучли, таъсирчан аттракторлар орқали ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим ҳисобланади. Бу эса таълим тизимининг ривож

¹ Мукушев Б.А. Отражение идей синергетики в содержании школьного естественно-научного образования. Вестник ТГПУ. 2010. №2 (92). - С.95.

унинг мустақиллиги, эркинлиги каби омиллар билан боғлиқ эканлиги билан белгиланади.

“Олам ва ўзликни билиш жараёнида таълим тизимининг ҳаракатга келтирувчи хусусиятлари” деб номланган параграфда фалсафий билимлар тараққиётида, онтология ва гносеология илмида муҳокама марказида бўлган олам ва ўзликни билиш мавзуси синергетик таҳлил этилади.

Билмасликдан билиш, билишдан билим сари бориш тараққиётнинг асосий ривожланиш мезонидир. Билишнинг билим сари юксалишида, яъни илмий билишнинг шаклланишида, таълимнинг ўрни ва аҳамияти жуда муҳим. Таълим жараёни орқали олам ва ўзликни англашнинг бугунги модели айнан синергетик билимни талаб қилмоқда. Таълим олувчига таълим берувчи томонидан ҳар бир тақдим этилган билим танқидий таҳлиллар, муҳокама ва мунозаралар тарзида берилмоқда. Ҳар бир танқидий нуқта, бифуркация нуқтаси сифатида янги танловларга, янгича ечим ва хулосаларга олиб келмоқда. Айниқса, олий таълим тизимида бугунги кунда ўқув режасига киритилган ва ўқув жараёнида қўлланиб келинаётган фалсафий фанлар айнан синергетик методология принципларига таянган ҳолда амалга оширилиши заруратдир.

Бизнингча, олам ва ўзликни англаш жараёни ҳар бир инсоннинг индивидуал тафаккури натижасида амалга ошади. Таълим эса бу жараёнда кўмаклашади, бошқарувчилик қилади, йўналтиради. Олам ва ўзликни билиш жараёнида таълим тизими ўз субъектларини таҳлил ва тадқиқ этишга, ўз билиш даражасини мақсад ва вазифаларини конкретлаштиришга, ўз билимларининг амалий ва ғоявий аҳамиятини оширишига хизмат қилади.

Замонавий, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи олий таълим тизими олам ва ўзликни англаш жараёнида қуйидаги ҳаракатга келтирувчанлик функцияларини бажаради:

- таълим берувчи ва таълим олувчи ўз фаолиятини ўзи танқидий ва мантиқий ташкиллаштиради;

- таълим жараёнини ҳар бир элементи бир-бирини тўлдириб, фаолияти оқилона баҳоланади;

- илмий тафаккур тарзининг илмий ва назарий билиш имкониятларидан кенг фойдаланилади;

- ривожланаётган замонавий таълим жараёнининг ҳақиқий мустақиллиги кузатилади;

- ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорлик ва очиқлик принципи амал қилади;

- мутахассиснинг касбий маънавияти ўз-ўзини ташкил этиш асосида амалга оширилади;

- таълим жараёнида “танлов эркинлиги” принциpidан кенг фойдаланилади.

Олий таълим тизимида ўзликни билиш ва у орқали оламни англаб етиш талабада қуйидаги муҳим хусусиятларни шакллантиради:

- Ўз фаолиятини ташкил этиш, ўз устида доимий ишлаш ва ўз-ўзини доимо ривожлантириш.

- Салбий ва рухий флуктуацион феномендан чиқиш.

- Тасодифий, хаотик жараёнларга ҳамиша тайёр туриш.

-Эҳтимолий, турлича йўналишлардан иборат муаммоларни ҳал этишда, альтернатив йўллардан оқилонасини танлаш.

- Ўзининг заиф ва кучли томонини кўра олиш, ўз имкониятини баҳолаш.

- Креатив, рефлексив, рационал тафаккур юритиш қобилиятини ўстириш.

Хуллас, замонавий олий таълим жараёнида олам ва ўзликни билиш тамойилининг тўлиқ амал қилиши ва самара бериши тизимда жорий қилинадиган ижтимоий ва фалсафий фанларнинг кўлами ҳамда қай даражадаги методологик асос бўлаётгани билан белгиланади. Бу фанлар таълим олувчи ва таълим берувчиларни ҳам маънан, ҳам руҳан, ҳам интеллектуал ўз-ўзини ташкиллаштиришига ёрдам берадиган ҳосилладир.

“Ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида таълим тизимининг аҳамияти” деб номланган параграфда фалсафий антропологияда инсон муаммоси ва унинг синергетик қонуниятлар билан боғлиқ томонлари ёритилади.

Бугун инсоният “ўз эркинлиги”, “ўзининг олий қадрият эканлиги” ниқоби остида кўплаб чегара билмас истакларининг қулига айланиб бормоқда. “Ўз-ўзини инкор этиш”, “ўз-ўзидан бегоналашиш”, “ўз-ўзининг насл-насабидан воз кечиш”, “ўз туғилган заминини инкор этиш” каби бир қанча муаммолар кириб келдики, бу масалаларнинг ечими, аввало, оқилона таълим ва тарбияга боғлиқдир. Шунини таъкидлаш ўринлики, таълим ва тарбия таъсир этувчи восита холос. Ушбу восита асосида ўз-ўзини тараққий эттириш ҳар бир жамият аъзосининг ўз масъулияти ва мажбурияти орқали амалга оширилади.

Инсоннинг турли ҳирсларини, эҳтиросларини, ёвузликларини жиловлаш, унда инсонийликни қарор топтириш учун ҳам унга таъсир этувчи восита ва механизмлар жуда зарурдир. Агарда бу механизмлар бўлмаганда, инсон ҳали ҳануз ахлоқда, маданиятда, таълим ва маънавиятда ҳеч қандай ўзгаришларни бошдан кечирмаган бўлар эди. Инсон шундай бир мавжудотки, қанчалик тараққий этавергани сайин шунчалик унинг хоҳишлари ва истаклари ҳам чегара билмас даражага келиб қолмоқда. У бугун виртуал оламларда яшаш (марсда уй қуриш ва яшаш, виртуал муносабатлар ўрнатиш, виртуал никоҳ ва оила қуриш, ўтмишга ёки келажакка сайр қилиш ва ҳоказо), ўзга сайёраларда умр кечириш, табиатни ўзига бўйсўндириш, бутун оламга ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, бутун дунёни ўзининг ватани деб ҳисоблаш, бутунлай роботлаштирилган армиялар тузиш каби бир қанча чегарасиз хоҳиш ва истаклари йўлида фаолият олиб бормоқда. Бу каби муаммолар ечимида эса таълим ва тарбия тизимининг самарали фаолияти ўта муҳим. Ваҳоланки, ҳар бир берилган оқилона таълим жамиятда инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришида, яъни ўз-ўзини

тарбиялаши, асраши, сақлаши, ҳимоя қилиши, умуман, одамзотни ўз-ўзидан ҳар томонлама ташкиллаша олишига алоҳида ўринга эга.

Инсонни синергетик методология нуктаи назаридан очиқ тизим сифатида тасаввур этсак, оқилона таълим ушбу тизимни ўз-ўзини мукамал тарзда ташкиллаштириши учун энергия манбаи ҳисобланади.

Бизнингча, ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида таълим тизими қуйидаги муҳим вазифаларни бажариши зарур:

- таълим берувчи ва таълим олувчи манфаатларини тўлиқ ифода этиши;
- кафолатланган таълим жараёнини ташкил этиши;
- замон талабларига тўла жавоб бериши;
- таълим жараёни субъектлари фаолиятининг ночизиқли ташкил этилишига имконият яратиши;
- таълим олувчи тафаккур креативлигини оширадиган таълим воситалари ва ёндашувларини ишлаб чиқиши ва ҳок.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев “Биз энди ақлимизни, интеллектуал салоҳиятимизни, билим ва тажрибамизни оширишимиз, айнан шу омилларни иқтисодий ўсиш нуқталари ва ресурс манбаларига айлантиришимиз шарт”, дея “бунга билим ва тажриба, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиш, юқори технологияларни жорий этиш, ислохотларни самарали олиб бориш ҳисобидан эришиш мумкин”лигини таъкидлайди¹. Президентимиз таъкид этган бу жараёнларга фақатгина, оқилона, ўз-ўзини ташкил қилиш қобилятини шакллантира оладиган таълим тизими орқали эришиш мумкин.

1. Бугунги замонавий таълим ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим ҳисобланади. Бугунги замон таълимининг ривожи унинг мустақиллиги, эркинлиги каби омиллар билан белгиланади.

2. Замонавий таълим ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим сифатида таълим жараёни субъектларининг ҳам ўз-ўзини ташкиллаштиришига узлуксиз таъсир этиб боради. Таълимда ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятининг амал қилиши, жараёндаги ҳар бир элементнинг тараққиёти, ривожи учун ўз-ўзини тартиблаш, ўз-ўзини сақлаш, асраш, ўз-ўзини назорат қилиш, ваҳоланки, ўз-ўзини ташкиллаш ғояларининг аҳамияти ва қимматини, нақадар муҳим эканлигини очиб беради.

3. Таълим жараёни, айниқса, олий таълим тизими бугунги замоннинг ҳар томонлама ривожланган, ақлли инсонларини шакллантиришда муҳим бўғин саналади. Олий таълим тизимининг сифати ва самарадорлиги ўз-ўзини англаб етган, ўз-ўзини бошқара оладиган, ўз-ўзини ривожлантириб, ўз фаолиятини тараққиётга йўналтира оладиган кучли, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш билан белгиланади.

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. - Т.: “O'qituvchi” МУ, 2021. – Б.27.

4. Бугунги кунда олий таълим жараёнида олам ва ўзликни билиш тамойилининг тўлиқ амал қилиши ва самара бериши тизимда жорий қилинадиган ижтимоий ва фалсафий фанларнинг кўлами ҳамда қай даражадаги методологик асос бўлаётгани билан боғлиқликда кечади.

Диссертациянинг **“Бугунги кундаги замонавий таълим муаммолари ва уларнинг синергетик ечимлари”** деб номланган тўртинчи бобда таълим тизимида очиқлик ва ёпиқлик масаласининг назарий таҳлили, миллий таълим тизимини шакллантиришда интеграция омилининг ўрни, миллий таълим тизимини модернизациялашда тизимли ёндашув масалалари таҳлил этилади.

“Таълим тизимида очиқлик ва ёпиқлик масаласининг назарий таҳлили” деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи параграфиди таълим тизимининг очиқликдаги ривожланиш механизмлари ёритилган. В.П.Бранский фикрича: “Очиқ тизим ва ёпиқ тизим ўртасидаги чегара нисбийдир. Бир томондан ёпиқ тизим уни ташқи оламдан узиб турган омиллар ва чегараларнинг йўқотилиши билан очиқ тизимга айланиши мумкин. Иккинчи томондан очиқ тизим агар ташқи оламдан узиб қўйилса, у бошқа системалар билан ахборот ва энергия алмашмаса, у ёпиқ тизимга айланиб қолади”¹. Таълим тизимида ҳам худди шундай. Яъни, маълум бир даврдаги таълим ислохотлари маълум вақт ўз ҳолича, ҳеч қандай ўзгаришсиз, ҳеч қандай қўшимчаларсиз, таҳлилларсиз сақланса, у ёпиқ тизимга айланиб қолади. Инсоният ривожланар экан, жамият тараққий этар экан, илмий тафаккур ҳам тараққий этиб боради. Таълим жараёни инсон тафаккури билан боғлиқ жараён сифатида ҳамиша таҳлилларга, ўзгаришларга, ислохотларга мухтож жараёндир. Унинг ёпиқлиги турғунликка, турғунлик ўз навбатида флукутация ва конструктив хаосга олиб келиши мумкин.

О.Ф.Файзуллаев таъбири билан айтганда: “Синергетик системалар очиқдир. Очиқ системага ташқаридан ҳамма нарса кириб келавермайди. Фақат фаол ҳисобланадиган энергия, модда ва информациялар киради”². Демак, таълим тизимида ҳам ислохотлар давомида янги технологиялар, инновацияларни қабул қилиниши унга ҳақиқатдан ҳам аҳамиятли бўлган, фойда келтирадиган, тажрибадан ўтган ва самарали натижа берадиган ахборотларни қабул қилиниши билан кечиши лозим.

Олий таълим тизимидаги очиқлик бизнинг талқинимизча қуйидаги самарали натижаларни беради:

✓ фанлараро, соҳалараро, фаолиятлараро интеграцияни янада жадаллаштиради;

✓ янги тадқиқотлар ечимининг турли соҳа вакиллари, турли ҳудуд олимлари орасида тез ва осон ечимлари топилишига имкон яратади;

¹ Бранский В.П. Теоретические основания социальной синергетики // Вопросы философии. 2000. №4. – С.112-113.

² Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б. 99.

- ✓ мураккаб, замонавий глобалл муаммолар юзасидан ўзаро ҳамкорликда хулосалар чиқарилишига амалий ёрдам беради;
- ✓ таълим ислохотларини амалга оширишда энг мақбул йўлни танлашга йўналтиради;
- ✓ олий таълим тизимини дунёнинг ривожланган таълим тизими ислохотлари билан бойитади;
- ✓ ривожланган мамлакатлар таълим ислохотларини қўлланилишида тажриба алмашиш имкониятини яратади ва ҳ.к.

“Миллий таълим тизимини шакллантиришда синергетик интеграция моҳияти ва намоён бўлиши” деб номланган параграфда интеграцион таълимнинг синергетик хусусиятлари очиб берилади. Интеграция таълимда халқаро тажриба алмашинувида, фанларнинг ўзаро бирлашуви натижасида янгича методологиялар шаклланишида, ечими мураккаб муаммолар ечимини ҳамкорликда ечилишида самарали ҳисобланади. Таълим тизими ривожини интеграцион жараёнлар орқали тезлашади, янада мукамаллашади. Бугунги кунда бутун жаҳонда интеграцион таълим жараёни жадал ривожланаётгани бунинг ёрқин намунаси дир.

Синергетик методология асосида таълим жараёнини таҳлил этиш, айнан интеграцион ёндашувни тақозо этади. Синергетик ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, унда ўзаро ҳамкорлик ва боғлиқлик асосида масалага муносабат билдирилади. Таълимга бундай ёндашув тобора кучайиб бормоқда. Бизга маълумки кооператив ёндашув, яъни тизимларни ўрганишда ҳамкорликда ёндашиш масаласи синергетика методологиясининг энг асосий принципларидан биридир. Г.Хакен ҳам ушбу терминни танлашига айнан ҳамкорликни ифодаловчи сўзни излагани ҳақидаги фикрларини синергетиканинг 30 йиллигига бағишлаб берган интервьюсида шундай дея изоҳлайди: “Синергетика сўзини танлашимга сабаб фандаги кўплаб соҳалар юнон терминларидан фойдаланишади. Мен шундай сўз изладимки, у ҳамкорликдаги фаолиятни, тизимдаги ўз-ўзини ташкил этувчи умумий энергияни ва янги тизимлар яратишга интилишни ифодалаш лозим эди”¹.

Таълим жараёнига интеграцион ёндашув деганда, шуни тушунишимиз лозимки, бунда тизимда фанлараро, соҳалараро, фаолиятлараро уйғунлашув, бирлашув жараёни кечади. Интеграция ечимини кутаётган муаммолар ечимида самарали механизмдир. Мураккаб масалалар ечимида фақат ҳамкорликдаги фаолият орқали самарали натижаларга эришиш мумкин.

“Миллий таълимни тизимли модернизациялаш синергетик жараён сифатида” деб номланувчи параграфда синергетик методология ва модернизациянинг ўхшаш томонлари, биргаликдаги фаолияти, миллий таълим тизимида модернизацион ўзгаришларнинг кириб келишидаги жараёнлар тизимли таҳлил этилади.

¹ Хакен Г. Синергетика 30 лет // Вопросы философии, 2001. №3. – С.54-64.

Модернизация тушунчаси ҳақида фикр юритганда, уни синергетик методология билан кўплаб ўхшаш жиҳатлари мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Биринчидан, синергетик методология ҳам, модернизация жараёни ҳам эски бир тизимнинг янгисига ўтиши орқали намоён бўлади. Яъни таълимнинг янгиланиши, ислоҳ этилиши, ўзгариши, такомиллашуви, янги тизимга асос солиниши модернизациялашув жараёни сифатида синергетик қонуниятлар орқали амалга ошади.

Иккинчидан, модернизация жараёнида ҳам, синергетик методология орқали кечадиган жараёнларда ҳам, ички қарама-қаршиликлар, тартибсизликлар, беқарорликлар кузатилади ва булардан янги барқарор ҳолат келиб чиқади. Ҳар қандай янгилик қабул қилиниши ҳамини оддий кечмайди, у мураккаб, мувозанатсиз, хаотик жараёнлардан кейингина қабул қилинади. Бугунги кунда миллий таълим тизимига кириб келаётган кўплаб модернизацион ўзгаришлар ҳам бир қанча муҳокамалар, мунозаралар натижасида қабул қилинаётгани бунга мисол бўла олади.

Учинчидан, иккала жараёнда ҳам бир хилликдан воз кечилиб, турлича, хилма-хил ривожланиш йўллари танланади. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида таълим жараёнида бир неча хил ривожланиш йўллари танланиши, доимий ўзгариб бораётгани, ўқув жараёни, таълим олувчиларнинг дунёқарашига қараб доимо такомиллаштириб борилаётганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тўртинчидан, модернизациялашиш ва синергетик жараёнларда, маълум бир бошқарувчанлик функцияси камайиб, ўз-ўзидан ташкиллашишнинг устунлиги кузатилади. Яъни маълум бир модернизациялашув турли қатламларда турлича қабул қилинади, маълум янгилик қабул қилинганда, бошқарувчилик функциясини тизимнинг ўзига юклайди. Тизим модернизация асосида ўз-ўзини ташкиллаштиради.

Бешинчидан, модернизация жараёнида худди синергетик жараёнлардаги каби ривожланиш, тараққиёт нотекис, ночизиқликда кечади. Маълум бир модернизация тизимда доимий сақланиб қолмайди. Вақт ўтиши билан ўз ўрнини янги бир ўзгаришларга, ислохотларга бўшатиб беради.

Бизнингча, миллий таълим тизимининг бир қисми ҳисобланувчи олий таълим тизимини модернизациялаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- Ўқув режаларини модернизациялаш.
- Ўқув дастурлари (фан дастури, ишчи ўқув дастурлар) ни модернизациялаш.
- Ўқув адабиётлари, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмаларни модернизациялаштириш ва янгиларини яратиш.
- Олий таълим тизимида кадрлар салоҳиятини янгилаш.
- Олий таълим муассасалари фаолиятини модернизациялаш.

- Олий таълим тизимида белгиланган мутахассислик йўналишларини модернизациялаш.

- Олий таълим тизимида баҳолаш тизимини модернизациялаш.

1. Бугунги кунда замонавий таълим муаммолари ечими интеграциялашган билимни талаб қилади. Синергетика методологияси интеграциялашган билим сифатида мазкур муаммолар ечимиде муҳим ўрин тутаети.

2. Таълим тизимини синергетик очик тизим сифатида таҳлил этиш, ушбу тизимдаги замонавий таълим муаммоларини ҳал этилишида ҳамда тизимнинг ривожини, тараққиётини, мукамаллигини таъминлашда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

3. Интеграцион тамойил Ўзбекистонда замонавий таълимни миллий таълим тизими билан уйғунлаштиришда зарурий эҳтиёж саналади. Интеграция миллий таълим тизими ислоҳ этилишида, ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари замон талабига мослашишига замин яратади.

4. Ҳамкорликда ривожланиш натижасида, янгича таълим парадигмалари кириб келади ҳамда замонавий таълим тизими миллий таълим тизими билан уйғунлашади. Миллий таълим тизимини модернизациялаш жараёнида тизимли ёндашув муҳим ҳисобланади. Мазкур жараёнда тизимли ёндашув, модернизациялашувнинг оқилона кечишига хизмат қилади.

5. Таълим тизимида модернизациялашув, барча таълим бўғинларини, шу жумладан, олий таълим тизими тараққиётини, янгиланиши ва замонавийлашувини таъминлайди.

ХУЛОСА

Таълимнинг синергетик қонуниятлари: назарий-методологик таҳлил мавзусида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Таълим, бу нозизиқли тафаккур маҳсули сифатидаги синергетик тизимдир. Таълим очик, мувозанатсиз, ички ва ташқи тебранишларга эга, нозизиқли, хаотик, ўз-ўзини ташкиллаштирадиган, диссипатив система сифатида синергетик методологиянинг ўрганиш объекти бўла олади. Таълим системасида синергетик қонуниятлар (очиклик, нозизиқлик, мувозанатсизлик, тартиб ва тартибсизлик, ўз-ўзини ташкиллаштириш) амал қилади ҳамда бугунги замонавий таълимни синергетик тизим сифатида тадқиқ этилиши таълимдаги кўплаб муаммолар ечимиде муҳим ўрин тутаети.

2. Замонавий таълимга тизимли ёндашув бугунги кунда барча таълим босқичларини интеграцион фаолиятини амалга оширишда муҳим саналади. Таълим жараёнидаги асосий муаммоларни аниқлаб, уларнинг бошланғич нуқтасини топади ва ечимларини тақлиф этади. Замонавий таълимга тизимли ёндашув замон талабига мос келадиган таълим тизимини ишлаб чиқиш,

ривожланган мамлакатлар таълимини тадбиқ қилишда таҳлилий ёндашиш ҳамда миллий таълим тизимига жорий этишда зарурий аҳамият касб этади.

3. Синергетик таълим тизимини жорий этилиши олий таълимдаги кўплаб муаммоларни бир неча ечимларини таклиф этишда самарали ҳисобланади. Синергетик таълим тизимини шаклланиши ўқув жараёнини сифатини назорат қилишда ва самарадорлигини оширишда янги усуллар ёрдамида ёндашувга хизмат қилади. Шунингдек, синергетик таълим тизими янги дунёқарашни шаклланишига, мантикий, танқидий, синергетик тафаккур тарзини қарор топишига асос бўлади.

4. Олий таълим жараёнида синергетик таълим тизимининг жорий этилиши орқали ўз-ўзини ташкиллаштира оладиган, ўз устида тинимсиз меҳнат қилдиган, ўз меҳнатига муносиб баҳо бера оладиган, ўзига нисбатан талабчан замонавий кадрлар шакллантирилади.

5. Замонавий таълим тизимидаги хаотик жараёнларнинг конструктив моҳиятини, хаос ва тартибот, чизиқлилиқ ва ночизиқлилиқ, мувозанат ва мувозанатсизлиқ ўртасидаги алоқадорлиқ масалаларини синергетик методология принциплари асосида таҳлил этиш таълимнинг янги фалсафий қирраларини, эвристик имкониятларини очиқ беради.

6. Таълим тизимида мураккаблиқда оддийлиқ, ночизиқлилиқда чизиқлилиқ, мувозанатсизлиқда мувозанат жараёнлари кузатилади. Мураккаблиқ, ночизиқлилиқ, мувозанатсизлиқ таълим системасининг ажралмас атрибутив хусусиятлари ҳисобланади. Бу хусусиятлар таълимнинг янги инновацион, интеграцион, кўп укладли ривожини учун асос бўлади.

7. Таълим жараёнида инновацион ғояларнинг кириб келишида хаос назарияси кўп ҳолларда конструктив моҳиятга эга. Хаотик жараён таълимдаги инновацияни янада самарали ва ҳаяжонли усуллар билан кириб келишига, тасаввурни таълим санъати билан ривожлантиришга, таълим модернизациясини танқидий ёндашув асосида кўриб чиқишга ундайди.

8. Олий таълим жараёнида синергетик методологиянинг “аттрактор” унсури педагогик фаолият вакилларини, субъектларини ҳамда воситаларини доимо такомиллаштиришга, янгиланишга, ўзгариш ва инновацияларга ҳаминча тайёр туришга йўналтиради. Таълим жараёнида ҳар қандай инновация, янгилик, ислохотнинг шаклланиши, хаотик жараён орқали маълум мувозанатсизлиқлар, флуктацион ўзгаришлар асосида тартиботга олиб келувчи бир қанча муқобил йўللardan бирини танлаш тасодифий ўзгаришлар орқали амалга ошади.

9. Бугунги кунда замонавий олий таълим муаммолари ечими интеграциялашган билимни талаб қилади. Синергетика методологияси интеграциялашган билим сифатида мазкур муаммолар ечимида муҳим ўрин тутди. Айниқса, интеграцион тамойил Ўзбекистонда замонавий таълимни миллий таълим тизими билан уйғунлаштиришда зарурий эҳтиёж саналади. Интеграция миллий таълим тизими ислох этилишида, ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув адабиётлари замон талабига мослаштиришга замин яратади.

10. Олий таълимда ҳамкорликда ривожланиш натижасида, янги таълим парадигмалари кириб келади ҳамда замонавий таълим тизими миллий таълим тизими билан уйғунлашади. Миллий таълим тизимини модернизациялаш жараёнида тизимли ёндашув, эволюцион ривожланишга асосланиб, тадрижийликни ва изчилликни таъминлайди, модернизациялашувнинг оқилона кечишига хизмат қилади.

11. Бугунги замонавий таълим ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим ҳисобланади. Бугунги замон таълимнинг ривожини унинг мустақиллиги, эркинлиги каби омиллар билан белгиланади. Таълим тизими, айниқса, олий таълим бугунги замоннинг ҳар томонлама ривожланган, ақлли инсонларини шакллантиришда муҳим бўлин саналади. Олий таълим тизимининг нуфузи ўз-ўзини англаб етган, ўз-ўзини бошқара оладиган, ўз-ўзини ривожлантириб, ўз фаолиятини тараққиётга йўналтира оладиган кучли, салоҳиятли кадрларни тайёрлаш билан белгиланади.

12. Бугунги кунда Ўзбекистонда ислохотлар шиддат билан давом этаётган бир даврда олий таълим тизимини инсон камолоти учун йўналтириш жамият ва мамлакат тараққиёти учун самарали натижа беради. Ўз-ўзини ташкиллаш жараёни элементларини таълим тизими орқали инсон камолотига йўналтириш бугунги даврнинг зарурий талабларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги амалий тавсиялар берилади:

биринчидан, мамлакатимиз миллий таълим тизимини оқилона ташкил этишда таълимнинг қуйидан то юқоригача бўлган ҳар бир босқичида (мактабгача таълимдан олий таълимгача) мантиқий, креатив, рефлексив, когнитив тафаккур тарзини шакллантира оладиган фалсафий билимлар берилишини жорий этиш масаласида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;

иккинчидан, таълим жараёнини тизим сифатидаги самарали фаолиятини ташкил этилиши, унинг ҳар бир қисми ўртасидаги узвийликни ва интеграцион фаолиятни таъминлаш учун ихтисослашган таълим вазирликларини ягона таълим вазирлигига бирлаштириш масаласини кўриб чиқишни таклиф этиш;

учинчидан, олий таълим талабалари учун “Менинг келажагим”, “Хаосдан тартибот сари”, “Хаоснинг бунёдкорлик кучи”, “Ўз тараққиётим ўз қўлимда” каби мавзуларда семинар тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш ва барча йўналишларда амалга ошириш;

тўртинчидан, олий таълим тизими талабалари, магистрант ва докторантлари ўртасида “Ўз-ўзини ташкиллаштириш усуллари”, “Ўзликни англаш нимадан бошланади?”, “Менинг ҳаётимда тартибсизликнинг ўрни” мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этиш;

бешинчидан, мамлакатимизда интеграцион, инновацион, тизимли таълимни кенг тарғиб этиш ва ёритиш мақсадида “Янги Ўзбекистонда янги

синергетик таълим” мавзусида лойиҳа тайёрлаш ва лойиҳа мавзуси доирасида ижтимоий тармоқларда турли электрон сайтлар очиш;

олтинчидан, таълим тизими педагог ходимларини малакасини ошириш курслари ўқув режасига янгича инновацияларни миллий таълим тизимига уйғунлаштиришга қаратилган, ижодкорликни оширадиган, ҳар бир муаммонинг бир неча ечимларини топа олишга ундайдиган “Синергетик тафаккур”, “Синергетик таълим” номли ўқув фанларининг киритилишини таклиф этиш;

еттинчидан, синергетик методологиянинг таълим тизимидаги имкониятлари, ўқув жараёнида синергетик методлар қўлланишининг аҳамияти ҳамда таълим тизимини очиқ тизим сифатидаги тараққиёт механизмларини ёритиб берувчи мавзуларда таълим муаассаларида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ташкил этиш.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ПО ИМЕНИ ШАРАФА РАШИДОВА**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭРГАШЕВА МАХБУБА ХОТАМБЕКОВНА

**СИНЕРГЕТИЧЕСКИЕ ЗАКОНОМЕРНОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ:
ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

09.00.01 – Онтология, гносеология и логика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2022

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.DSc/Fal103.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете по имени Шарафа Рашидова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) вложен на веб-странице Научного Совета (www.samdu.uz), а также в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Тураев Бахтиёр Оманович доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гаффарова Гулчехра Гуламжановна доктор философских наук, доцент Шермухаммедова Нигина Арслановна доктор философских наук, профессор Артиков Туланбой Артикович доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2022 года, в _____ часов на основе Разового Научного совета заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете по имени Шарафа Рашидова. (Адрес: 140104, г. Самарканд, проспект Университетская, 15. Тел: (8366) 235-19-38, 239-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rektor@samdu.uz. Здание факультет истории при Самаркандский государственный университет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №63). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (0366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(Протокол реестра №____ от «_____» _____ 2022 года).

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н., доцент

А.Р.Самадов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировая цивилизация и инновационное развитие основой интенсификации сегодня являются эвристические возможности современной образовательной системы. Ведь, индекс развития стран мира показывает, что развитие всех сфер связано с образовательным процессом. В частности, современная образовательная система проявляет себя как такой процесс, в котором есть случаи изменений и застоя, развития или отставания, прогресса или деградации. Это открывает новые возможности для динамики становления и развития современного образования. В связи с этим определение синергетических закономерностей современного образовательного процесса как сложной и открытой системы, как одно из требований сегодняшнего дня, выходит на актуальную позицию.

Хотя роль образования в формировании педагогической, психологической, экономической, социальной, политической, духовной среды проанализирована в мировой науке, в современных философских учениях недостаточно исследований по вопросам порядка и беспорядка, которые применяются в образовательном процессе, динамике его нелинейности развитие, особенности самоорганизации, конструктивный характер хаотических процессов в образовании. В этой связи сегодня, в то время, когда различные общечеловеческие проблемы представляют угрозу национальной и международной безопасности, могут лечь в основу нового этапа развития, совершенствование и реформа национальной системы образования, которая может лечь в основу нового этапа развития и направить людей к добру, систематическое исследование образовательных проблем на основе нелинейного подхода, приобретает важное практическое значение в формировании идеологического иммунитета. В этом смысле возникает необходимость комплексного изучения национальных корней духовно-нравственного воспитания, его синергетического анализа с точки зрения представления о современной и национальной системе образования, проведения научно-исследовательской работы в этом направлении.

Сегодня вопросы достижения экономического процветания за счет развития образования в нашей стране, интеграции национальной системы образования с образованием развитых зарубежных стран становятся одним из приоритетов государственной политики. «Мы поставили перед собой главную цель - создать новый период пробуждения в Узбекистане, то есть фундамент третьего Возрождения, посредством масштабных демократических изменений, включая реформы в области образования»¹. С этой целью, на основе проверенного опыта развитых стран, возрастает потребность в исследованиях по установлению новых правил национальной системы образования и формированию современной, самоорганизующейся, синергетической образовательной среды в нашей стране. Исходя из этого, теоретико-методологический анализ синергетических (динамических)

¹Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 225.

законов развития перспективной, современной образовательной системы становится объектом необходимости.

Данное диссертационное исследование, в значительной степени, служит выполнению задач, намеченных в нормативно-правовых документах и Указах Президента Республики Узбекистан №УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, №УП-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, №УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана» от 6 ноября 2020 года и Постановления №ПП-4307 «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы» от 3 мая 2019 года, №ПП-5040 «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» от 26 марта 2021 года, а также Законы Республики Узбекистан №ЗРУ-576 «О науке и научной деятельности» от 29 октября 2019 года, №ЗРУ-637 «Об образовании» от 23 сентября 2020 года и другие нормативно-правовые акты.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹:

По вопросам применения и практической значимости синергетической методологии в различных областях несколько научных центров и высших учебных заведений мира, в том числе University of Stuttgart (Германия), University of Texas (США), Brussels School of international Studies (Бельгия), Центр Междисциплинарных Исследований им С.П.Курдюмова “Сретенский клуб” (Россия), Institute of Science and Technology Austria (Австрия), Australian National University (Австралия), Graduate School of China Academy of Engineering Physics (Китай), Казахский Национальный Университет имени Аль-Фараби (Казахстан), а также ведущие ученые и философы Национального университета Узбекистана, Самаркандского государственного университета (Узбекистан) проводят значительные исследования в рамках синергетической методологии.

Возможности синергетической методологии получили широкое распространение в мире, и в мире получен ряд научных результатов при исследовании сложных нелинейных систем, в том числе: раскрыты новые возможности синергетической методологии как науки о самоорганизации и

¹ Интерпретация зарубежных исследований по данной теме и он был подготовлен на основе других источников [http://www.eoht.info/page/Brussels school of thermodynamics](http://www.eoht.info/page/Brussels%20school%20of%20thermodynamics); www.harvard.edu; www.cam.ac.uk; www.ox.ac.uk; www.stanford.edu; www.princeton.edu; www.yale.edu; www.columbia.university; www.uchicago.edu; www.u-tokyo.ac.jp; www.ugla.edu; www.jhu.edu; www.nus.edu.sg; www.tsinghua.edu.cn; www.msu.ru; www.ru.wikipedia.org; www.nir.ru; www.gmir.ru; www.krfu.ru; www.central-asia.institute; <https://www.mpg.de/4744848/pohl>; Verified email at enr.uconn.edu; b.mukushev@kazatu.kz.

вопросы синергетического подхода к когнитивной деятельности мозга (University of Stuttgart, Германия); нелинейные, неуравновешенные, необратимые системы анализированы на основе последовательности бифуркаций, основанной на синергетических категориях в социальных системах (University of Texas, США); совершенствованы эффективные механизмы теории самоорганизации (Brussels School of international Studies, Бельгия); обоснована сущность сферы образования как среды самоуправления в рамках направлений синергетики и научного прогнозирования, синергетики и образования, философии и синергетики (Центр Междисциплинарных Исследований им С.П.Курдюмова “Сретенский клуб”, Россия); обоснована теория динамического хаоса (Institute of Science and Technology Austria, Австрия); разработана модель диссипативных систем на основе синергетического подхода (Australian National University, Австралия); определена теория синергетической неуравновешенности (Graduate School of China Academy of Engineering Physics, Хитой); определены возможности синергетической методологии в проектировании и обновлении содержания образования (Казахский Национальный Университет имени Аль-Фараби Казахстан); расширены перспективные возможности синергетической методологии в моделировании человека, социальной системы, процесса обучения и воспитания (Национальный университет Узбекистана, Самаркандский государственный университет, Узбекистан).

В мире проводится ряд исследований по изучению методологических и эвристических возможностей синергетики, в том числе по следующим приоритетным направлениям: в системе философских знаний, а также синергетический подход к педагогике, психологии, этнографии, медицине, биологии, химии, статистической физике, общественно-политическим направлениям; вопросы борьбы за самоорганизацию на основе социального единства природы и человека, формирования синергетической картины мира, синергетического анализа социальной и гуманитарной сфер; в сферах, связанных с источниковедением и духовным наследием; в раскрытии истинного характера и философских аспектов древних рукописей, наследия предков на основе синергетического подхода; отразить идеи самоорганизации в содержании образования и раскрыть педагогические аспекты синергетики; создание новых педагогических, инновационных технологий через синергетические закономерности системы образования; использование педагогической синергетики в создании современной образовательной парадигмы и образовательной модели; реализация эффективного использования возможностей синергетической методологии в образовательной системе.

В мире методологические, эвристические возможности синергетики, включая исследования в этой области и направления:

Степень изученности проблемы.

Синергетическая методология привлекала внимание исследователей с 70-х годов XX века. В этом смысле ученых, проводивших научные

исследования, связанные с данной исследовательской работой, можно разделить на три группы:

Первая группа. В эту группу могут быть включены зарубежные ученые, непосредственно проводившие исследования, связанные с синергетикой и образованием. Заслуживают внимания заслуги ученых Г.Хакена, И.Пригожина¹, И.Стенгерса, Л.Берталанфи в выяснении возможностей синергетической методологии. Также К.М.Метюс, М.С.Уайт и Р.Г.Лонг² обсуждали возможности использования синергии в области социальных знаний, а Ж.Л.Джонсон и Б.К.Буртон³ рекомендовали применение теории хаоса к социально-экономическим процессам. Круг зарубежных научных исследований в области синергетики очень широк. Мы сосредоточились в основном на исследованиях, проводимых в рамках образования и синергетической методологии.

